



ТАЪМИРЛАШДА РАНГТАСВИРНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Азизов Дилиод Нуридинович.

Тошкент халқаро Кимё университети,

дастгоҳли рангтасвир кафедраси профессори. Тел. (999 97) 463 60 96.

e-mael: marokanda@mail.ru

Анотация: Ушбу тезисда дастгоҳлий мойбўёқ ва темперали рангтасвир асарларини таъмирлаш назарияси ва амалиёти асослари махсус илмий ишлар вазифалари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Тезисда дастур бўйича услубий тавсиялар, назарий материаллар, материаллар технологияси ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати мавжуд.

Калит сўзлар: Таъмирлаш, дастгоҳли, мойбўёқ, темпира, рангтасвир, санат, асар, муалиф.

Annotation: This thesis examines the basics of the theory and practice of the repair of watercolor and tempera paintings in connection with the tasks of special scientific works. The thesis contains methodological recommendations for the program, theoretical materials, materials technology and a list of used literature.

Key words: Repair, easel, watercolor, tempira, painting, art, work, author.

Касбий тайёргарлик тизимида илмий таъмирлаш мураккаб, мажмуавий яхлит фан бўлиб, у ўз ичига тарихий, ахлоқий, табиий-илмий, бадий-амалий, шунингдек санъатшуносликка оид жиҳатларни қамраб олади. Ушбу тадқиқотда рангтасвир асарини таъмирлашни ўқитиш усуллари ривожланиши ўрганилади. Талаба фаолиятини амалиётга йўналтиришдан иборат бўлган рангтасвир асарини таъмирлашни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Бу хусусият таъмирлашнинг дастлабки ривожланиш давларидан бошлаб ўқитиш усулларида ўз ифодасини топган. Шунингдек ушбу тадқиқот ишида ўтмишда ва ҳозирги даврда долзарб бўлган таъмирлаш усуллари ҳам кўриб чиқилади.

Ҳозирда Россия музейларида сақланаётган минглаб кўргазма буюмлари оғир танг аҳволда, аммо уларнинг ярмидан камроғи профилактика мақсадида ўз вақтида таъмирланмоқда ва ёки консервация қилинмоқда.¹⁰¹ Тадқиқотчи П.Д. Батаеванинг таъкидлашича “таъмирлаш ишлари давомида бир қатор хатоликларга йўл қўйилмоқда,

¹⁰¹Беркутов А. А. Проблема сохранения культурно-исторического наследия российской цивилизации // Труды Международного симпозиума «Надежность и качество». 2012. Т. 2. С. 355–356.

бундай камчиликлар таъмирлаш методикасини ҳамда маданият объектини таъмирлаш воситава ускуналарини тўғри танламасликда ўз аксини топмоқда”¹⁰². бундан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки бутун дунё бўйлаб бадий ёдгорликларни консервация қилиш ва таъмирлаш орқали сақлаш узоқ вақтдан бери долзарб масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ривожланган мамлакатларда бу масалалар узоқ вақтлардан бери давлат даражасига кўтарилган ва бу билан боғлиқ муаммолар юқори малакали мутахассисларга ишониб топширилган (юклатилган).

Шунинг учун рангтасвир асарини таъмирлашнинг методологик жиҳатлари тарихини ўрганиш, бадий реставраторларни тайёрлашда методологик ёндашувларни, шунингдек, бу жараённинг эволюциясини таҳлил қилиш зарур. Таъмирлаш том маънода асарнинг йўқолган парчаларини таъмирлашни англатади; кенгроқ маънода, бу асарни кўргазма ҳолатига келтириш бўйича операцион чора-тадбирлар мажмуидир¹⁰³. «Консервация» атамаси одатда тор маънода рангтасвир асари материалларининг чидамлилиги ва кимёвий инертлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар маъноси сифатида тушунилади¹⁰⁴. Бироқ, «консервация» атамаси жуда кенг тушунча бўлиб, у кенг кўламли операцион таъмирлаш чораларини фақатқисманқамраб олади, бошқа жиҳатлардан олиб қараганда эса бу ёдгорликларнинг вайрон бўлишига йўл қўймайдиган шароитларни яратишга асосланган. Иккинчи жиҳатни кўриб чиқишда «профилактик» (олдини олувчи) ёки эҳтиётдан ўтказиладиган консервация атамаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу атаманинг назарий ва амалий ишлаб чиқиши ва ривожланиши сўнгги 25-30 йил ичида содир бўлди. Унча намоёнига тақдим этиладиган рангтасвир асарларининг тўғри ҳолатини таъминлаш мақсадидаги таъмирлаш методикасини тузишда асосий эътибор айнан таъмирлаш ва консервация чора-тадбирларига қаратилган эди. Фақат аста-секин, эволюцион тарзда, музей амалиётида таъмирлаш афсонавий амалиёт эмаслиги ва у тўғри сақлашнинг ўрнини босолмаслиги ҳақидаги хулосага келинди.

Профилактик (олдини олувчи) консервация экспонатларни сақлашнинг асосий воситаси сифатида, таъмирлашда маълум чекловлар борлигини тан олишдан келиб чиқди. Бироқ, бу таъмирлаш аввалги аҳамиятини йўқотди дегани эмас. Музейлар фондидаги кўплаб картина коллекцияларининг ҳолати аввалхам, ҳозирги кунларда ҳам унчалик яхши эмаслиги ва у ерда кечиктирмай таъмирлашни талаб қиладиган ишлар сони анчагина эканлиги аниқ ва равшан бўлиб турибди.¹⁰⁵ Айнан шу сабабли ўз вақтида таъмирлаш музей буюмларини сақлашда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда ва таъмирлаш

¹⁰²Батаева П. Д. Обзор составов и технологий для ремонта и реставрации объектов культурного наследия // Вестник Комплексного научно-исследовательского института им. Х.И. Ибрагимова РАН. 2021. № 1 (5). С. 49–50. <https://doi.org/10.34824/VKNIIRAN.2021.5.1.006>

¹⁰³Бобров Ф. Ю. Реставрация как синтез науки и ремесла // Научные труды. 2019. № 50. С. 210–239 <http://repin-book.ru/nt-50-bobrov-fil.html>

¹⁰⁴Клокова Г. С., Демина О. В., Еремина И. М. Реставрация произведений станковой темперной живописи. 2-е изд., доп. и перераб. М.: Изд-во ПСТГУ, 2018. С-53.

¹⁰⁵Бобров Ф. Ю. Реставрация как синтез науки и ремесла // Научные труды. 2019. № 50. С. 210–239 <http://repin-book.ru/nt-50-bobrov-fil.html>

бўйича ўқитиш усуллари ривожлантириш таъмирловчи мутахассисларнинг профессионал ҳамжамиятини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Музей амалиётида экспонатларнинг сақланиши ҳолатига таъсир қилувчи энг асосий ва энг қадимги усуллари дан бири – бу таъмирлашдир. Ҳатто ўрта асрларда ҳам “таъмирлаш” тушунчаси маълум бўлган, бу рангтасвир асарларининг кўринишини сақлаб қолиш билан боғлиқ эди; яъни таъмирлаш ишларининг асосий йўналиши дастлаб амалий бўлган эди.¹⁰⁶ Шунинг учун, рангтасвир асарларини таъмирлашни ўқитиш усуллари ҳар доим амалиётга йўналтирилган бўлган. Бугунги кунда ҳам ушбу фанни ўқитишда амалиётчи рассом-реставратор доимо дахлдор, алоқадор бўлиб қолади.

Шубҳасиз, иқлим шунослик ёки биологик каби экспонатларни сақлашнинг муҳим жиҳатлари ҳам дарҳол музей реставраторлари амалиётининг тўлақонли қисмига айланиб қолмаган, ваҳоланки таъмирлаш ҳар доим музей артефактларини сақлашнинг асосий жиҳати деб ҳисобланган. Модомики, ҳар бир буюмда эскиришга мойиллик мавжуд бўлар экан, музей ходимлари вақт ва табиат қонунлари билан курашмоқлари лозим. Буларнинг барчаси “таъмирлаш” ва “сақлаш” тушунчаларининг моҳиятини ташкил қилади.

Модомики, қайта таъмирлаш ҳақида гап кетар экан, унга бўлган илмий ва методологик ёндашувнинг ривожланиши бутун бир XX асрнинг бошидан то охиригача вақт давомида содир бўлганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. XX асрнинг биринчи ярмида таъмирлаш назариясида сезиларли ютуқларга эришилди. XX аср давомида назарий ишларда таъмирлашнинг асосий мақсади муҳокама қилинди, бу эса ўз навбатида таъмирлаш предметининг аслида нима эканлиги: ушбу предметнинг туб моҳияти ёки экспонатнинг маданий, тарихий ва бадиий функциялари ҳақидаги мунозараларга тўртки бўлди.¹⁰⁷ Бу таъмирлашнинг фан сифатидаги асосий масаласи бўлиб, бугунги кунда таъмирлаш назарияси ва методологиясининг марказида қолмоқда. Амалиётда, бундай изланишлар кўпинча жуда шубҳали туюларди, чунки улар кўпинча реставраторлар ва бошқа музей ходимларининг шахсий дидига қараб белгиланадиган радикал ёндашувлар ва усуллари келтириб чиқарди.

1940-йиллардан 1960-йилларга қадар Совет таъмирлаш ишларида амалий йўналтирилганлик ва эмпирик (фақат тажриба ва амалий фаолиятга таяниш) хусусиятлар сақланиб қолди. Шу билан бирга, таъмирлаш бўйича ўқитиш усуллари ҳам фаол тадқиқотларга йўналтирилган эди. Совет реставраторлари жуда катта тажрибани Иккинчи Жаҳон уруши пайтида шикастланган турли маданий ёдгорликларни таъмирлаш жараёнида орттирдилар. Натижада, 1940-йилларнинг охири ва 1950-йилларнинг бошларида юзага келган вазият таъмирлаш тамойиллари ва методологияси масаласини кўтарилишини тақозо этди. Шунини таъкидлаш керакки,

¹⁰⁶Клокова Г. С., Демина О. В., Еремина И. М. Реставрация произведений станковой темперной живописи. 2-е изд., доп. и перераб. М.: Изд-во ПСТГУ, 2018. С-233.

¹⁰⁷Бобров Ф. Ю. Реставрация как синтез науки и ремесла // Научные труды. 2019. № 50. С. 210–239 <http://repin-book.ru/nt-50-bobrov-fil.html>

бунга ўхшаш жараён XX асрнинг бошларида ҳам содир бўлган эди. Бу масалаларнинг аксарияти 1950-йиллардан кейин муваффақиятли ҳал қилинди.

1950- ва 1960-йилларнинг иккинчи ярмида таъмирлаш ишлари маданияти анча ривожландива реставраторлар томонидан қўлланиладиган бир қатор техник воситалар такомиллашди. Шунинг учун таъмирловчи рассомларнинг ўқитиш усуллари қаторига асарни ўзлаштириш билан боғлиқ машғулотлар ҳам киритилди.

Бундан ташқари, бу даврда таъмирлаш жараёнининг ўзига бўлган қараш ҳам ўзгарди: нотўғри усуллар билан таъмирлангани сабабли кўплаб санъат асарлари бутунлай йўқотилгани ёки шикастланганлиги музей ходимларини ушбу натижаларга олиб келган тамойилларга нисбатан шубҳа билан қарашларига асос бўлди. Маълум бўлишича, таъмирлашнинг кўплаб назарий таърифлари ва методик тамойиллари дарсликларда қайд этилмаган ёки реставраторнинг тажрибасига қараб ўзбошимчалик билан талқин қилинган. Шундан келиб чиқиб, тушунчалар, усуллар ва терминологиянинг ягона тизими мавжуд эмас эди. Шунинг учун, турли хил техник воситалар, кимёвий ва физик усуллардан фойдаланмасдан самарали таъмирлашнинг иложи йўқлиги ҳақидаги қарашлар тобора аён бўлиб борди. Бу амалий фан ва технологиялардаги турли ютуқларни таъмирлаш методологиясига фаол киритилишига олиб келди ва технологик жиҳат ҳам таъмирлаш жараёнида, ҳам таъмирлаш бўйича ўқитиш усулларида муҳим ўрин эгаллади.

Касбий тайёргарлик тизимидаги илмий таъмирлаш тарихий, санъатшунослик, ахлоқий, табиий-илмий ва бадий-амалий жиҳатларни қамраб олувчи мураккаб ва яхлит фандир. Ўқиш давомида талабалар профессионал реставраторлар учун зарур бўлган амалий кўникмаларни эгаллайдилар: улар асл ҳақиқий ёдгорликлар билан ишлайдилар, таъмирлаш ишларини бажарадилар, классик асарлардаги мойбўёқ ва темперали рангтасвир техникасини эгаллаш учун уларни нусхалашни ўзлаштирадилар, шунингдек, таъмирлаш тарихи, назарияси ва этикаси, музей иши, палеография, иконография, технология ва фотография каби ихтисослашган фанларни ҳам ўрганадилар. Шунингдек, улар лаборатория тадқиқотларини олиб борадилар, асарларни таъмирлаш бўйича ҳужжатлаштириш ишларини бажарадилар ҳамда музейлар ва шахсий коллекциялардан олинган турли хил ёдгорликлар билан ишлашни ўрганадилар. Битирувчилар эса санъат асарларини консервация қилиш, таъмирлаш ва тадқиқ қилиш бўйича энг мураккаб ишларни бажарадилар.¹⁰⁸

Шубҳасиз, реставраторларни тайёрлаш бўйича методика нафақат касбий масалаларни, балки эстетик ва ахлоқий жиҳатларни ҳам ўз ичига олиши керак, чунки маданий ёдгорликларни таъмирлаш билан шуғулланувчилар нафақат рассомлар, мутахассислар ва ижрочилар, балки тадқиқотчилар ва баҳоловчилар ҳамдир. Ушбу даражадаги мутахассисни тайёрлаш жуда қийин ва масъулиятли иш бўлиб, у катта молиявий инвестицияларни ва таъмирлаш машғулотлари усулларига махсус талабларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Россия амалиётида таъмирлаш методикаси

¹⁰⁸Большакова А. В. Реставрация. Введение в специальность: учебно-методическое пособие. СПб.: Изд-во СПГХПА им. А. Л. Штиглица, 2018. 57 с.

ва таъмирлаш фанини ўқитишга Д.Ф.Богословский томонидан асос солинган, у 1912 йилда Иккинчи Бутунроссия Рассомлар Конгрессидаги маърузасида “реставратор, аввало, рассом бўлиши керак”¹⁰⁹ деб таъкидлаган. Шунинг учун, таъмирлаш машғулотилари усуллариининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан рангтасвир асарларини нусхалашга катта эътибор қаратилмоқда. Реставраторларни тайёрлашда ушбу фаннинг аҳамиятига ортиқча баҳо бериш қийин, чунки мутахассиснинг маҳоратини оширишда техник изчиллик ва анъаналарнинг меърос бўлиб қолиши ҳар доим энг самарали воситалардан ҳисобланган. Албатта, қадимги рангтасвир асарларини чизиш техникасини амалий ўзлаштириш адабиёт манбаларидан олинган маълумотларга асосланган бўлади[4].

Ҳар йили амалий нусха кўчириш машғулотилари бўлгуси реставраторларга расм чизиш техникасидаги бир қатор янги, ноёб ишланмаларни тақдим этишга қаратилган бўлади, чунки улар асл нусханинг ҳар бир компонентини босқичма-босқич ўрганиш ва кўпайтиришни, бу рамка танлашдан тортиб, расм юзасини ҳимоя лак қатлами билан қоплашгача бўлган жараённи ўз ичига олади. Нусха кўчиришда бўлгуси реставраторлар уч босқичли рангтасвир асари чизиш усулини амалда қўллашлари лозим, бунда улар таклиф қилинганок ва пардозланган асосларда бажарилган портретларнинг нусхаларини яратиш эҳтиёжларига мос материаллар ва асбобларни танлашлари ва кейин ҳақиқий асарнинг тасвирий тузилишини такрорлашлари керак. Бундай топшириқлар бадиий материаллар билан боғлиқ барча амалий машғулотларни қамраб олиши ва тизимлаштириши ҳамда бўлгуси реставраторни методологик асос билан таъминлаши керак.

Бундан ташқари, бўёқ қатламининг тузилишини англаш даражаси бўлгуси реставраторларга ҳақиқий муаллифлик рангтасвир асаридаги кейинги аралашувларни аниқлашга ва сохталаштиришларни пайқашга ёрдам беради, чунки нусха кўчириш пайтида талаба муаллифнинг техникасини такрорлашга ҳаракат қилади ва асл нусхага мос келадиган рангтасвир ҳаракатини яратади. Нусха кўчириш тажрибаси асл рангтасвир асарини пардозлаш ва асар қисмларини қайта таъмирлаш учун ҳам бебаҳодир.

Шу нуқтаи назардан, музейларда ўтказиладиган амалий машғулотлар таъмирлаш фанини ўқитишда методик ёрдамни таъминлаш бўйича хизмат қилиши мумкин. Илгари, нусха кўчирувчи-реставратор ноёб асл рангтасвир асарлар орасида бўлганида, бошқа даврлар руҳи билан тўйинган ҳолда, турли даврлардаги рангтасвир асарини яратиш услубларини таққослаш ва хулосалар чиқариш имкониятига эга бўладилар, бу эса рангтасвир асарини яратиш техникасини ва ҳар бир устанинг индивидуал усуллариининг ўзига хос хусусиятларини англашни ривожланишига олиб келади деб ҳисоблашган. Таъмирлаш машғулотилари усуллари ҳақидаги бу хулоса ҳақиқатда тўғри ва бугунги кунда ҳам у кенг қўлланилади, чунки асл асардаги

¹⁰⁹Краминский В. Г. Из истории реставрации станковой масляной живописи в Русском музее // Службареставрации музейных ценностей Государственного Русского музея. [Электронный ресурс]. URL: <http://restoration.rusmuseum.ru/rest-kraminsky--resoration.htm> (дата обращения 14.04.2022).

муаллифнинг техникасини қайта тиклаш имконияти асоси, нусха яратишда ишлатиладиган материаллар ва асбобларни тўғри танлашга, ҳамда рассомнинг тегишли тайёргарлигига боғлиқ.

Ўтган асрда профессионал доираларда шов-шувга сабаб бўлган яна бир таъмирлаш методикаси рангтасвир асарини бир асосдан бошқасига ўтказишдир. Бу техника XVIII асрнинг биринчи ярмида ишлаб чиқилган. Рангтасвир асарларини кўчириш ҳақида биринчи эслатмалар XVIII асрнинг 20-йилларда Италия ва Францияда қайд этилган, у ердан бу амалиёт бутун Европага тарқалган.¹¹⁰ Жараён қуйидагича тартибда амалга оширилган: рангтасвир асарининг олд томони елим ёрдамида бир неча қатлам мато ёки қоғоз билан қопланган, шундан сўнг асос орқа томондан аста-секин олиб ташланган. Вақт ўтиши билан, бўёқ қатлами, грунт билан ёки грунtsiz, янги асосга нусхаланган (кўпинча бошқа асосга: кўпинча ёғоч асос мато асос билан алмаштирилган). Бундай ҳаракатлар санъат асари учун жуда хавфли ҳисобланган, аммо юқорида айтиб ўтилганидек, бу усул у даврда жуда машҳур эди ва таъмирловчилар уни асос ва бошқа қатламлар билан боғлиқ деярли барча муаммоларни ҳал қила олади деб ҳисобланганлар. XIX аср асарни бир асосдан иккинчисига кўчириш асрига айланди ва ҳатто XX асрнинг биринчи ярмида ҳамушбу амалиёт, қаттиқ танқидга учраганлигига қарамасдан, рангтасвир асарларини таъмирлашда жуда кенг тарқалган усул бўлиб қолаверди. Баъзи ҳолларда, XX асрнинг иккинчи ярмида ҳам реставраторлар эскирган ёғоч асосларни янгилари, шунингдек, ёғоч асослар билан алмаштириш учун ушбу техникани жорий этишни маъқул кўрдилар. Бундай ҳолларда, асоснинг тузилиши тубдан ўзгартирилмади ва ёғоч асосларни мато асослар билан алмаштиришдаги каби кўп саволлар туғдирмади. Ва кўргазманинг кейинчалик сақланиши нуқтаи назаридан, тасвирни янги асосга кўчирилиши тавсия этилса-да, объектдаги ҳар бир элементининг яхлитлиги ва ўз қийматини сақлаб қолиши нуқтаи назаридан, бундай алмаштириш ноўрин ҳисобланади.

Шубҳасиз, муваффақиятли таъмирлаш асарнинг барча қатламларининг моддий яхлитлигини сезиларли даражада яхшилайдиган, бунинг натижасида асар анча катта иқлим босимларига бардош бера олади, шунингдек, уни намойиш қилиш ва ташиш имкониятларини эса айтмаса ҳам бўлади. Бунга мисоллар сифатида рангтасвир асари қатламлари (асос, бўёқ ва лак қатламлари) орасидаги боғланишларни таъмирлаш ёки битта қатлам ичида бирлаштириш ва мустаҳкамлаш (асоснинг шикастланишини бартараф этиш ёки бўёқ қатламини кукунлаш) усуллари келтириш мумкин. Одатда, бўёқ ёки лак қатлами ёмон ҳолатда бўлган санъат асарларини намойиш этиб бўлмайди ва ҳар қандай йўқотишларнинг олдини олиш учун сақлаш жойларида улар горизонтал ҳолатда сақланади. Бундай ҳолларда таъмирлаш чоралари, агар улар намойиш қилинмаса ҳам, рангтасвир асарини ҳеч бўлмаганда фондларни сақлаш жойларида тўғри сақлаш ва ташиш имконини беради.

¹¹⁰Hackney S. On canvas: Preserving the structure of paintings. Los Angeles: Getty Conservation Institute Publ., 2020. 248 p.

Масалан, қисман ёки тўлиқ нусхалаш каби бошқа ҳаракатларрангтасвир асарининг ҳолатини сезиларли даражада яхшилайдди, аммо унга салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин, бу эса уни келажакда музейда сақлашни мураккаблаштиради. Шунини таъкидлаш керакки, Совет даври музей амалиётида нусхалаш учун энг кенг тарқалган ёпиштирувчи бекир (балиқ) елими бўлган, аммо мум-қатрон мастикасидан фойдаланган ҳолда нусхалашга ҳам мисоллар келтириш мумкин. XX асрда реставраторлар орасида ушбу техниканинг қўлланилиш миқдорини ҳисобга олсак, ўтган асрнинг биринчи ярмида ҳам нусхалаш ҳар қандай рангтасвир асари учун “нажот чизиғи” ҳисобланган деган хулосага келиш мумкин, чунки ҳатто асосга камгина зарар етказилган рангтасвир асарлари ҳам ушбу амалиётдан ўтказилган. Масалан, Э.В.Кудрявцев томонидан 1948-йилда нашр этилган ва академик И.Э.Грабарь каби шахс томонидан юқори баҳоланган «Рангтасвир асарларини таъмирлаш техникаси» қўлланмасида тасвирларни нусхалаш учун кўплаб кўрсатмаларни санаб ўтади ва шундай хулосага келади: «...яхши нусхалаш асарга зарар етказа олмайди; аксинча, уни янада бардошли қилади.»¹¹¹ Шундай қилиб, консервация амалиётида қўлланиладиган усул ва воситалар ҳар доим тикланаётган объектларнинг ҳолатига таъсир кўрсатган ва XX аср ҳам бундан мустасно эмас эди. Юқорида таъкидланганидек, XX асрнинг биринчи ярмида энг долзарб масала рангтасвир асарларидан лакни тозалаш ва олиб ташлаш эди. Шунингдек, асарларни янги асосларга ўтказиш, йўқотилган парчаларни нусхалаш ва пардозлаш техникаси бўйича ҳам мунозаралар бўлган. Бинобарин, бадиий асарларни таъмирлаш муаммолари музей амалиётининг ривожланиши давомида айниқса долзарб бўлиб келган, чунки асарларни сақлаш музейларнинг асосий вазифаларидан биридир.¹¹² Музей амалиёти ривожланиб боргани сари, бу мураккаб муаммоларни иқлимшунослик, биологик фанлардан бўлмишкимё ва оптика каби аниқ фанлар соҳалари мутахассисларини жалб қилмасдан ҳал қилишнинг иложи йўқлиги маълум бўлди. XX асрнинг иккинчи ярмида ушбу фанларнинг музей амалиётига интеграциялашуви (ўзаро боғланган ҳолда ривожланиш формаси) билан музей фондлари коллекцияларини сақлашдаги бир қатор назарий масалалар ва амалий муаммолар ҳал қилинди.

Рангтасвир асарларини таъмирлашнинг методологик жиҳатлари тарихига асосланиб, реставратор-рассомларни тайёрлашга методологик ёндашувлар рус реставраторлари томонидан тўпланган катта тажрибага асосланиши, ҳам ниҳоятда тез ривожланаётган энг сўнгги технологияларни эътиборга олган ҳолда қурилиши керак. Шу билан бирга, ўқитиш усуллари тадқиқот компетенцияларини ривожлантириш тамойилларини, ахлоқий жиҳатларни ва бўлгуси реставраторларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш шартларини бирлаштириши керак. Ҳақиқий санъат асарлари (музей экспонатлари) бўйича ўқитиш бўлгуси реставраторларни тайёрлашнинг методик асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўқитувчининг ёрдами,

¹¹¹Кудрявцев Е. В. Техника реставрации картин. М.: Изд-во Государственной Третьяковской галереи, 1948. 78с.

¹¹²Hackney S. On canvas: Preserving the structure of paintings. Los Angeles: Getty Conservation Institute Publ., 2020.

шунингдек, амалиётчи реставраторларнинг маслаҳатлариюшбу усулнинг энг муҳим элементлари бўлиши лозим.

Ҳозирги вақтда реставраторларни тайёрлайдиган олий таълим муассасалари - масалан, Римдаги Istituto Superiore per la Conservazione ed il Restauro, ISCR, Италиядаги International Centre for the Study of the Preservation and Restoration of Cultural Property, **ICCROM**(Маданий бойликларни сақлаш ва таъмирлаш бўйича халқаро марказ), Россия давлат таъмирлаш илмий-тадқиқот институти (ГОСНИИР), И.Е. Репин номидаги Санкт-Петербург Бадиий Академияси (СПБАКХ) ва бошқалар амалий ишлар ва таъмирлаш тарихини ўрганиш, шунингдек, аввалги даврлар реставраторлари томонидан қўлланилган усулларга асосланган ҳолда таъмирлаш ва санъат асарлари тадқиқотлари учун замонавий ўқитиш усуллари изчил жорий этмоқда ва такомиллаштирмоқда.

Ҳозирда таъмирлаш ишини ўқитиш бўйичаэнг сўнгги замонавий рақамли технологиялардан фойдаланилмоқда. Таъмирлашдан олдинги тадқиқотлар - ултрабинафша нурларида фотосуратга олиш, рентген суратлари, микрокимёвий ва физик-технологик тадқиқотлар ва визуал кузатишга асосланган ишнинг батафсил тавсифлари - асл нусханинг тузилиши ва техникасини чуқур тушуниш имконини беради ва улардан таъмирлаш ишларини юқори сифатда ўтказилишинитаъминлаш учун фойдаланиш мавсадга мувофиқдир. Бу реставратор-рассомларни ўқитиш фанини методик ёрдам билан таъминлаш жараёни ривожланаётганидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Батаева П. Д. Обзор составов и технологий для ремонта и реставрации объектов культурного наследия // Х.И.Ибрагимов номидаги комплекс илмий тадқиқот институти ахборотномаси РФА. 2021. № 1 (5). 49–53бетлар. <https://doi.org/10.34824/VKNIIRAN.2021.5.1.006>

2. Беркутов А. А. Проблема сохранения культурно-исторического наследия российской цивилизации // «Надежность и качество»Халқаро симпозиуми тўплами.2012. Т. 2. 355–356 бетлар.

3. Большакова А.В. Реставрация. Введение в специальность.Ўқув-услубий қўлланма. СПб.: А.Л.Штиглиц номидаги СПДРСА нашриёти, 2018. 57 бет.

4. Борисова Н. Л. Новый метод реставрации масляных стенописей XIX века: (из опыта реставрации масляных стенописей в Вознесенском соборе Оршина монастыря Тверской области). М.: С.Г.Строганова номидаги МДРСА нашриёти, 2019. 70 бет.

5. Бобров Ф. Ю. Реставрациякак синтез науки и ремесла // Илмий тўплам. 2019. № 50. 210–239 бетлар.

6. Клокова Г. С., Демина О. В., Еремина И. М. Реставрация произведений станковой темперной живописи. 2- нашр, тўлд. вақайта ишл. М.: Изд-во ПСТГУ, 2018. 222 бет.

7. Краминский В. Г. Из истории реставрации станковой масляной живописи в Русском музее // Служба реставрации музейных ценностей Государственного Русского музея. [Электрон ресурс].

URL: <http://restoration.rusmuseum.ru/rest-kraminsky--resoration.htm> (мурожаат қилинган сана 14.04.2022).

8. Кудрявцев Е. В. Техника реставрации картин. М.: Давлат Третьяковгалереяси нашриёти, 1948. 144 бет.

9. Коробко Ю. В., Люманова Л. З. Методическое обеспечение обучения реставрации масляной живописи будущих художников-педагогов // Общество: социология, психология, педагогика. 2017. № 5. 91–93 бетлар.

10. Hackney S. On canvas: Preserving the structure of paintings. Los Angeles: Getty Conservation Institute Publ., 2020. 248 бет.